



# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 28-iyul • Seshanba • 89 (30.050) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,2 фоизни, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 9,1 фоизни, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 13,1 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 4,6 фоизни, хизматлар кўрсатиш 18,5 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 32,5 фоизни ташкил қилди.

## Ифтихор

### ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Бугун Ватанимизнинг қай бир гўшасига борманг, истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўриб кўзингиз яйрайди. Қайтадан қад ростлаган обидалар, осмонўпар бинолар, кўркам боғ-роғлар, бири иккинчисини такрорламайдиган спорт ва маданият масканлари... Шаҳарларимизгина эмас, олис қишлоқ ва овулларнинг қайта чирой очаётганини айтмайсизми.

Дарҳақиқат, истиқлол халқимиз учун кенг имкониятлар эшигини очди. Юрт жануби — Сурхондарёда ҳам улкан ва бетакрор ишлар амалга оширилётгани фикримиз тасдиғидир. Воҳа йилдан-йилга ўзгача тароват касб этмоқда. «Аср мўъжизаси», деб эътироф этилган Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлининг фойдаланишга топширилиши бунга яққол мисолдир. Тоғлар бағрида эллика яқин кўприклар, бетакрор бекатлар қад ростлади. 200 килокалориягача иссиқлик берувчи кўмир қонида мини фабрика фаолият бошлади. Натижада бу ерда ҳар йили 50 миллион доллардан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади экан. Шунингдек, Бойсунда оҳақтош, гипс ва бошқа талай конлар ўзлаштириш мўлжалланган. Бир сўз билан айтганда, яқин келажақда бу ерда 3-4 мингта янги иш ўринлари яратилади.

Воҳа шимолидаги Хонжиша қонида ҳам бугун ишлар кизгин. Тоғ қишлоқлари обод бўлмоқда. Худудда 30 километрга яқин йўл қурилди. Фабрика фаолият кўрсатаётди. Рух, мис, кумуш ва бошқа маъданларни қазिश давом этмоқда. Бу Сурхондарёда яқин келажақда янги шаҳарлар, қишлоқлар чирой очишдан далолатдир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Андижон  
вилоятининг  
Марҳамат туманида  
фаолият кўрсатаётган  
«Марҳамат ип-йигирув»  
ҳиссадорлик жамияти  
маҳсулотларига  
буюртмалар  
кўпаймоқда.



## МАҲСУЛОТГА БУЮРТМА КЎПАЙМОҚДА

Корхона йилига 2700 тонна қалава ип ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозир бу ерда 450 тонна маҳсулот тайёрланди. Бу маҳсулотларга Россия, Туркия каби давлатлардан буюртмалар тушган.

— Цехларимизга Германия, Бельгия, Хитой каби давлатлардан келтирилган

замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. — дейди корхона директори уринбосари Турдали Йўлчибоев. — Бу эса маҳсулот сифати яхшиланганига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг 80 фоизидан ортигини экспорт қилиш режалаштирилган.

Суратларда: тажрибали ишчи Матлуба Шамсутдинова; йигирув цехи устаси Раъно Маннонова шогирди Мукамал Қосимова билан.



Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар

## 2009 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА

Аҳолининг реал даромадлари ўсиши 25,9 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ жойларда 435 километр газ ва 839 километр сув қувурлари тармоқлари фойдаланишга топширилди, 2,9 миллион квадрат метр яқка тартибга уй-жой қурилди.

233 умумтаълим мактаблари фойдаланишга топширилди, 196 касб-хунар коллежи ва 18 академик лицейни қуриш якунланмоқда ва улар янги ўқув йилига қадар фойдаланишга топширилади.

Ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, мамлакатимиз фермерлари томонидан 6,6 миллион тоннадан зиёд галла йиғиб олинди.

2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида 193 та янги ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, энгил sanoatда ва тўқимачилик тармоғида 32, озиқ-овқат sanoatида 67, қурилиш материаллари sanoatида 78 объект ишга туширилди.

Хисобот даврида 534,6 мингта, шу жумладан, қишлоқ жойларда 328 мингта янги иш ўрни, корхоналар билан кооперация асосидagi қасаначилик соҳасида 52 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, «Ўзтрансгаз», «Ўзбекэнерго» компаниялари, бошқа идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотлар раҳбарлари иқтисодий тармоқларини, уй-жой фондиди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини қуз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш чора-тадбирлари комплексини ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан шахсан жавобгардирлар.

Маълумки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида демократия талабларига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига мос келадиган сайлов тизими яратилган бўлиб, бу тизим тадрижий равишда, мамлакатнинг демократик янгилашиш ва модернизацияланиши билан тенгма-тенг ривожланди.

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун катта имкониятлар яратди

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрдаги «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни сайлов қонунчилигининг янада такомиллашувидан далолат беради.

Жорий йилнинг 1 июль кунидан қучга кирган ушбу Қонун мамлакатимизнинг парламент фаолиятини ташкил этишда сиёсий партияларнинг ўрни ва таъсирини янада ошириш, сайлов тизими ва қонунчилигини янада эркинлаштириш ҳамда демократ-

лаштириш, сиёсий партияларнинг ваколатларини кенгайтириш ва фаолигини қучайтириш мақсадларини ўз зиммасига олган бўлиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси 1-қисми куйидаги тахрирда баён қилинди: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат».

Шунингдек, «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни асосида яна 12 та қонунга қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Натижада, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланадиган депутатлар сони 120 нафардан 150 нафарга ортди.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатнинг бир юз ўттиз беш нафари ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан бевосита фуқаролар томонидан сайланиши, ун беш нафари эса Ўзбекистон экологик ҳаракатидан мазкур ҳаракатнинг олий органи (Конференцияси) томонидан сайланиши белгилаб қўйилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари сонининг ўттиз кишига орттиши ва улардан ун беш нафарининг Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланиши пировардида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган депутатлар сони ҳам ортди.

(Давоми 2-бетда)

## Фракция фаолияти

## ДЕПУТАТЛАР ВА ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИ

ўзаро фикр алмашдилар

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармасида мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Депутатлар ва бошқарма шахсий таркиби вакиллари «Мустақиллик биз учун — ўзлгимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлиги, биз қузлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир» деган эзгу гоя атрофида фикр алмашдилар. Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов, фракция аъзоси Боймурод Юсупов Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ун саккиз йиллик байрамига

тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳияти, юртимиз озодлигининг тарихий аҳамияти, мустақиллигининг ҳар биримиз ҳаётимиздаги ўрни ҳақида батафсил фикр юритдилар. Таъкидландики, 18 йил тарих олдига жуда оз муддат. Аммо ўтган даврда мамлакатимиз улкан тарихий йўлни босиб ўтди. Бундан ун саккиз йил аввалги Ўзбекистон билан бугунги дёғримизни мушлақ таққослаб бўлмайди. Президентимиз раҳбарлигида ислохотлар ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг ман-

фаати ва турмуш фаровонлиги учун олиб борилмоқда. Утиш даври мураккабликларига қарамай, инсон манфаатларини таъминлаш энг устувор вазифа сифатида қўйилди. Тараққиётнинг Ўзбек модели мамлакатимизни босқичма-босқич барқарор ривожланиш йўлига олиб чиқди. Фақат Истиқлолга эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз қадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечирishi учун кенг имконият яратди. Натижада одамларнинг турмуш фаровонлиги ошиб, ҳаёт тарзи ўзгара-япти. Меҳнат қилган, интилан, изланган киши ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиб, янада юксак орзулар билан яшамоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, кексалар, ногиронлар, боқувчисини

йўқотган оилалар ҳар доим давлатимизнинг эътиборида ҳамда гамҳурликни ҳис этиб турибди. Бу соҳада ҳам давлат дастурлари асосида мисли қўрилмаган ишлар амалга оширилди. Ҳар бир фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеъод ва қобилиятини тўла намоён этиши, бунинг натижасида ўзи, оиласи, юртимиз фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўиши учун барча шароитлар яратилди. Булар барчаси инсон, унинг муносиб турмуш кечирishi, манфаатлари, ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилмоқда. Демократик ислохотлар ҳаётимизни янада эркинлаштириш, ҳар бир фуқаронинг давлат бошқаруви ҳамда барча янгилашиш жараёнларида муносиб, фаол ва масъулият билан иштирок этишини таъминламоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ТАРҒИБОТ ГУРУҲЛАРИ

2

олдидаги долзарб вазифалар Наманган ва Андижон вилоят партия кенгашларида муҳокама этилди



3

## САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ

бугун-эрта эълон қилинади



4

## «ПОЛВОНЛАР МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»



Хизматлар лицензияланган

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

### Сайлов қончилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун катта имкониятлар яратди

Сайлов қончилигидаги муҳим ўзгаришлардан яна бири Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари сайловида сайловчилар ташаббускор гуруҳлари иштирок этиши институти тугатилди. Шу сабабли ҳам эндиги бўладиган сайловларда депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партиялар эга бўлди. Бу нормани ўрнатилиши сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини, аҳамиятини ҳамда масъулиятини янада оширишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Хозирги вақтда республикамизда турта сиёсий партия — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу партиялар мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида давлат органларининг шаклланиши ва фаолиятида муайян даражада иштирок этиш келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолати сифатида, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бермоқда.

Сайлов қончилиги «Сиёсий партиянинг ваколатли вакили» деган янги мезърини киритилганлиги ҳам партияларга сайловда нафақат иштирок этиш, ўзаро на-

зорат олиб бориш институтини вужудга келтирди.

**Сиёсий партиянинг ваколатли вакилига сайлов участкаларида овозларни санаб жараёнида қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш кузатиб бориш ҳуқуқи берилди. Бу институтининг ўрнатилиши натижасида депутатликка номзод кўрсатган ҳар бир сиёсий партия томонидан овоз бериш ва овозларни санаб жараёнининг қонуний ва адолатли ўтишини бевосита кузатиб боришга ҳуқуқий асослар яратилди.**

Шундай қилиб, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли бўлди.

Бундан ташқари сайлов қончилигида сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилиши жараёнида ҳам иштирок этиш ҳуқуқида эга эканлиги белгилаб қўйилди.

Сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштирокини оsonлаштириш мақсадида уларнинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритиш учун қўйилган талаблар енгиллаштирилди.

Илгариги қонунчиликда сайловда қатнашиш учун 50 мингта сайловчининг овозини тўлаш зарур бўлган бўлса, амалга кирган янги қонунга мувофиқ ҳар бир рақам 40 мингтага ўзгаририлди. Бу билан сиёсий партияларга сайловларда янада фаолроқ иштирок этишлари учун

қулай имкониятлар яратилди.

Шунингдек, қонунчиликдаги сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камидан 6 ой олдин рўйхатдан ўтиши кераклиги тўғрисидаги талаб ҳам ўзгаририлиб, ушбу муддат 4 ой қилиб белгиланди.

Эндиликда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камидан 6 ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиб, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камидан қирқ минг сайловчининг имзосини тўлашга тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Белгиланган намунадаги имзо варақалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилди.

Мазмурий-ҳудудий тусилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия қирқ минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоиз имзосини тўлаши мумкин. Албатта, имзо тўлаш жараёнида қонун талабларига қатъий риоя қилиниши лозим бўлади. Имзоларни сохталаштириш, моддий манфаатдорлик ваъда қилиш ёки бошқа ноқонуний йўллар билан имзо йиғиш тақиқланади. Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади. Қолаверса, имзоларни сохталаштириш қонунчиликда белгиланган тартибда жиноий жавобгарлиқни ҳам келтириб чиқаради.

Мазлумки, сайлов қончилигида Олий Мажлис депутатлигига номзод беш нафарга қадар

ишончли вакилга эга бўлиши мумкин эди. Янги қонунда депутатликка номзодларнинг вакиллари сони 5 тадан 10 тагача бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Бу янгилик натижасида номзоднинг манфаатини қўлаб ташвиқот юритувчи, сайлов комиссияларида унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи кишилар сони кенгайди.

Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тўшган шикоятларни қараб чиқиш тартиби ҳам тақомиллаштирилди. Мазлумки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, ҳокимиятнинг вакилик органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, қузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан юқори сайлов комиссиясига ёки судга ана шу қарор қабул қилингандан кейин ун кун ичида шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин эди. Янги қабул қилинган мезъёрга мувофиқ шикоят берган шахслар шикоят кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқи ҳам эга бўлди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, ушбу институт орқали фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этади. Бундан ҳар бир фуқаронинг овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги таъминланади.

Демак, мамлакатимизда яратилган қонунчилик базаси сайловларни адолатли, демократик ва қонуний ўтказишни, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳуқуқий қаролат ҳисобланади.

Бизнинг вазифамиз ана шу қонунларга оғишмай амал қилишдан, сайловларда фаол иштирок этиш билан конституциявий ҳуқуқларимизни амалга ошириш ва сиёсий маданиятимизни намоён этишдан иборат.

**Абдуқамол РАҲМОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги  
бошқарма бошлиғи

# СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК

### хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги иштирокида муҳим аҳамият касб этади

Кейинги йилларда жамиятимизда аёлларга муносабат тубдан ўзгарди. Хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Буларнинг барчаси ўз самарасини бераётми.

— Бугун мамлакатимизда барча соҳаларда туб ўзгаришлар содир бўлмоқда, муаммолар бирин-кетин ўз ечимини топтомоқда, — дейди ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Робия Қозимова. — Бундан кўп жихатдан аёлларнинг иштироки, фаоллиги кўга ташланиб турибди. Вилоятимизда аёллар аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этади. 25 мингдан зиёд партиядошларимизнинг ўттиз фоиздан ортиғи аёллардир. Улар ишлаб чиқариш, фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, умуман халқ ҳўжаллигининг барча соҳаларида меҳнат қилади. Давр талабидан келиб чиқиб, биз ҳам аёлларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини ошириш, ижтимоий, маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш, эҳтиёжмандларга ёрдам бериш, репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида бир қанча тadbirkorлар ташкил этдик.

Дарҳақиқат, «Фаол аёллар» қаноти вилоят бўлими ўз ичине режа асосида йўлга қўйиб, хотин-қизлар масаласида тегишли ташкилотлар, масул идоралар томонидан амалга оширилаётган ишлар мониторингини мунтазам олиб бормоқда.

Хотин-қизлар фаоллигини оширишда партия тизимидаги сиёсий ва фуқаролик маърифати ўқувлари жуда яхши самара бермоқда.

— Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга партияимиздан сайланган депутатлар билан ўқузилаётган юзма-юз мулоқотлар, Жамоатчилик қабулхоналарининг сайёр қабуллари ҳам электротизимиз, хусусан, аёллар муаммолари ечимида муҳим омили бўлмоқда, — дейди ЎзХДП Қорақўл туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Ойсара Маматова. — Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Шарбат Абдуллаева, вилоят Кенгаши депутати Абдураҳмон Абдуллаев, туман Кенгаши депутати Муҳиддин Фатуллаевлар туманимизнинг айрим ҳудудларида ижтимоий сув, газ таъминотидаги камчиликларни бартараф этишда кўмак бериб, хотин-қизлар турмуш шaroитини яхшилашга катта эътибор бермоқдалар. Биргина бу эмас. Жойларда ташкил этилган «Фаол аёллар мактаби» орқали хотин-қизлар ўртасида тарғибот ишлари янада қучайтирилмоқда. Бошланғич партия ташкилотларида турли мавзуларда ўқурашув, жонли мулоқот, давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб боришмоқда. Ҳуқуқий маслаҳатхоналар орқали эса аёлларга ўз ҳақ-ҳуқуқлари кенг тўшунтириляпти. Ёши улўғ она-

хонлар билан ўтказилаётган мулоқотларда оилани мустаҳкамлаш, бола тарбияси масалаларида ўзаро фикрлашиб олиш ҳам ёш партиядош хотин-қизлар учун жуда фойдали бўлаётганини таъкидлаш керак.

Вилоятда «Фаол аёллар» қанотининг фидойи аъзолари кўп. Айниқса, Робия Камолова, Солиха Қўзиёва, Меҳри Мухторова, Хўшвақт Эргашева, Рўзибиби Эсанова, Дилбар Қўчқорова, Бону Комилова, Мамура Сафоева сингари ўнлаб жонқурлар электротизим орасида мунтазам бўлиб, аёлларни ўргатган камчиликларга бефарқ бўлмастикка, жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан яшашига даъват этмоқдалар. Бу масалада хотин-қизлар кўмиталари, «Оила» илмий-амалий маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг минтақавий ахборот-таҳлил маркази каби қатор нодавлат ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилиб айланиб бўлса, «Фаол аёллар» қаноти томонидан ўтказилаётган барча тadbirkorлар мақсад-моҳияти вилоятда хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётнинг барча жабҳаларида самарали иш-шларини қучайтириш, аёлларни эъозлаш ва улўғлашга қаратилган.

**Даврон БАҲРОНОВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

## ЎзХДП вилоят кенгашларида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан жойларда турли оммавий-сиёсий тadbirkorлар ўтказмоқда.

# ТАРҒИБОТ ГУРУҲЛАРИ

олдидаги долзарб вазифалар Наманган ва Андижон вилоят партия кенгашларида муҳокама этилди

Наманган вилоят партия кенгашида фаоллар ва тарғиботчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Қишлоқ тарғиботи ва фаровонлиги йилида олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларни аҳоли орасида тўшунтириш ишларини қучайтиришда партия тарғиботчиларининг вазифалари» мавзусига бағишланди. Унда жaxon молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай давлат дастурлари асосида жойларда ижтимоий-иқтисодий режаларни амалга ошириш борасида қилинаётган ишлар ва уларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари иштирокини фаоллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Бугун қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилаш борасидаги ишларнинг қўламини кенгайтириш, қишлоқларимиз янада обод масканга айланиб бормоқда, — деди халқ депутатлари Наманган туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Нуриддин Бонбазаров. — Яқинда мамлакатимиз раҳбари вилоятдаги фаоллари билан учрашувда шу хусусда алоҳида тўхталиб ўтди. «Қишлоқ тарғиботи ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ижро этиш аҳолининг ҳаёт даражасини оширишда, юртимизни обод этишда, қишлоқ саноатини олиб киришда, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатишни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Наманган шаҳри инфратузилмасини тақомиллаштириш, ёшларни, айниқса, қолжа ва лицейларни битираётган йилит-қизларни иш билан таъ-

минлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Бундан биз ўзимизга тегишли хулоса чиқариб, электротизим манфаатларини таъминлаш йўлидаги амалий ишларимизни кучайтиришимиз, аҳоли орасида янада чуқурроқ кириб боришимиз талаб этилмоқда.

Давра суҳбатида мустақиллигимизнинг 18 йилида мамлакатда амалга оширилган туб ислохотлар, жойларда юз бераётган мислсиз ўзгаришлар, қўлга киритилган тарихий ютуқлардан мазмун-моҳиятини партиядошлар, электротизим вакиллари, хусусан ёшларга тўшунтиришда замонавий усул ва техник воситалардан кенг фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Партияимизнинг Андижон вилоят кенгашида «Давлат ҳокимиятининг қонунчилик, вакилик органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Яқинда ўз мустақиллигининг 18 йиллигини ишончли равида мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими вужудга келгани алоҳида таъкидланди. Бугунги кунда мавжуд сиёсий партияларнинг юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштироки кенгайтирилди. Ўзбекистон ХДП ҳам юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий салоҳиятини юксалтиришда ўз хиссасини қўшишда, Жумладан, партия тизимидаги сиёсий ва фуқаролик маърифати ўқувлари, Ахборот-ресурс марказлари орқали аъзолар, электротизим вакиллари мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар хусусида маълумотлар берилиб, уларнинг мазмун-

моҳияти тўшунтирилмоқда. Партия кенгашлари Жамoатчилик қабулхоналари, Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхоналари орқали электротизим манфаатларини таъминлаш борасида ҳам қатор ишлар олиб боришмоқда. Бундан, албатта, партиядан сайланган депутатлар, ҳимойларнинг ёрдами кўп келяпти. Лекин партиянинг дастурий мақсадлари, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини очиб бериш бўйича жойларда, чекка-чекка қишлоқларда тўшунтириш ишларининг аҳоли бугунги кун талабларига мос деб бўлмайди.

Бу эса партия тарғибот гуруҳлари, матбуот органлари зиммасига масъулият юклайди. Сайлов қончилигига киритилган янгиликлар билан сиёсий партияларга ҳокимият вакиллари органларини шакллантиришда янада кенг имконият тугдириди. Тadbirkorлардан қандай фойдаланиш партияларни ўзига боғлиқлиги таъкидланди.

Давра суҳбатида, шунингдек, «Қишлоқ тарғиботи ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосидаги ҳудудий дастурлар, биринчи навбатда қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш бўйича белгиланган режаларни бажариш мониторингини ўрнатилишда партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмаларининг иштирокини қучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Бахс-мунозаралар давомида ушбу мониторингини ташкил этиш ва тарғибот ишларининг янги технологияларидан фойдаланиш соҳасида тўлганган тажрибани оммалаштириш зарурлиги айтиб ўтилди.

**Ўзбекистон ХДП**  
**Марказий Кенгаши**  
**Матбуот хизмати**



(Давоми. Боши 1-бетда)

Иштирокчилар давра суҳбати жараёнида ўзларининг бу бордаги мулоҳазаларини билдирди. Ўзаро фикр алмашувлар, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

**Савол:** — Олий Мажлисда экология соҳаси учун депутатлик ўринлари ажратилаётган экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** — «Сайлов тўғрисида»

(Давоми. Боши 1-бетда)

## Иқтисодиёт ва ислохот

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар жараёнида банк хизмати алоҳида аҳамиятга эга. Юртимизда фаолият кўрсатаётган ўнлаб молиявий муассасалар орасида, айниқса, «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг пуфузи ошиб бормоқда.

Зеро, у мамлакат қишлоқ ҳўжаллигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга, ўз тизимини бозор талаблари асосида ислохот қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Натижада кейинги йилларда банкнинг вилоят бошқармалари ва туман бўлимларида қишлоқ ҳўжалик корхоналари ҳамда ҳамкор ташкилотларга замонавий банк хизматлари кўрсатиши таъминланди.

«Агробанк»нинг Андижон вилояти бошқармасида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, эътиборга молик. Бошқарма ярим йил мобайнида ўз фаолиятини расмий эътиборни банкнинг актив ва пасивларини муқаммал бошқариш, молиявий барқарорлигини таъминлаш, тавakkалчиликни оқлона, бозор муносабатлари қонунлари асосида бошқариш ҳамда келгуси йўналишларни белгилашга қарат-

# ДЕПУТАТЛАР ВА ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИ ўзаро фикр алмашдилар

ги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун 2009 йил 1 июлдан қучга кирди. Унга асосан сайлов қонунчилигимизга қатор янгиликлар жорий этилди. Шулардан бири Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан Ўзбекистон экология ҳаракатига квота ажратилиши масаласидир. Айни пайтда Қонунчилик палатаси депутатлари 120 нафарни ташкил этади. Янги қонунга асосан, ушбу ўринлар сони энди 150 тани ташкил этади. Улардан 135 нафари бир мандатли сайлов округлари

бўйича сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар орасидан сайланади. Ун беш нафари эса Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартиб асосида Экоҳаракат конференциясида сайланади. Улар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг қонуний асосларини тақомиллаштиришга асосий эътиборни қаратадилар. Иштирокчиларни яна кўплаб саволлар қизқиртирди. Уларга фракция аъзолари Анатолий Қозлов, Фахриддин Ража-

бов, Анвар Шукуровлар жавоб қайтардилар.

**Беҳзод ШУКУРОВ,**

«Ўзбекистон овози» мухбири.



Шавкат ҚАҲҚОРОВ олган суратлар.

кўрсатилмоқда. Банк жами активларининг 143 миллиард 290,3 миллион сўми иқтисодий ётқини реал секторни кредитлашга йўналтирилган. Жами активлар таркибида кредит қўйилмаларининг миқдори 124 миллиард 218,0 миллион

фаровонлиги йили Давлат дастури тўғрисидаги қарорига асосан банкнинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан жами 3 миллиард 662,0 миллион сўм миқдорда кредитлар берилди. Банк томонидан ажратилган кредитларнинг

# НИЯТ — ДЕҲҚОНГА ҲАМ, ҚАЙТА

ди. Хусусан, бутун диққат-эътиборни банк капиталини қўпайтиришга йўналтирди.

Қишлоқ ҳўжаллиги ишлаб чиқарувчиларига, мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналарга, жумладан, «Узпхтасаноат» уюммаси Андижон вилоят ҳудудий бошқармасига ва «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизимига қирадиган, қишлоқ ҳўжаллиги маҳсулотларини қайта ишлаш, саклаш, ташиниш ва сотишга ихтисослашган корхоналарга юқори сифатли, жaxon бозорида рақобатбардорлиги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни жорий этиш ҳамда ички истеъмол бозорини юқори сифатли озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга кўмаклашиш мақсадида кредит бериш ва уларни молия-

лаштириш механизмлари янги ишчи тақомиллаштириб бориш йўлида астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Бошқарма бўлимларининг асосий эътибори иқтисодийнинг агросаноат тизимига кирувчи корхона ва ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш, миқозлар базасини ўстириш, бизнесрежа ва бюджетни бажаришга ҳамда кўзда тутилган фойдани олишга қаратилаяпти.


«Агробанк» Андижон вилоят бошқармасининг туман ва шаҳар бўлимларидаги мавжуд 17 та филиали ҳамда 57 та минибанк томонидан берилган мулкчилик шаклидаги 23609 та юридик шахсларга комплекс тарзда тезкор ва сифатли банк хизматлари

сўмни ташкил этиб, жорий йилнинг биринчи ярмида 75 миллиард 454,0 миллион сўм миқдорда кредитлар берилди. Шунингдек, якка тартибдаги тadbirkorлар, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари ҳамда кичик бизнес субъектларига берилган 6 миллиард 054,0 миллион сўм кредит ҳисобидан қишлоқ жойлардаги юқори инновацион лойиҳалар молиялаштирилди. Аҳолига маъий хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 586,8 миллион сўм, тadbirkor аёлларга 953,6 миллион сўм кредитлар берилди. Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун эса 335,4 миллион сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Қишлоқ тарғиботи ва

ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, банкнинг Хўжабод филиали томонидан Воҳиджон Ганиев раҳбарлигидаги «GOLDEN BIRD» масъулияти чекланган жамиятга ўтган йил октябрда паррандачиликни ривожлантириш мақсадида уч йил муддатга йиллик 18 фоиз устамга тўлови шарти билан 100 миллион сўм кредит ажратилган. Ҳозир бу ерда паррандалар сони қўпайди. Эл дастурхонига қўллаб-қувватлаш, арзон парhez берилмоқда. Кредит фойдаси эса ўз вақтида тўлаб бориляпти.

Банкнинг Амалйёт бўлими томонидан Нозимжон Юлдашев раҳбарлигидаги «Асака маъшали» хусусий корхонасига шу йилнинг 4 апрелида паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 2 йил муддатга йиллик 18 фоиз уста-

Ўтган ҳафта Киргизистон Республикаси, Гвиней-Бисау ва Курдистон мухториятида бўлиб ўтган президент сайловлари жаҳон экспертлари ва сиёсатдонлари диққат марказида бўлди. Дарҳақиқат, интернет сайтларида қайд этилишича, бу воқеалар қайсибир маънода дунё сиёсатига таъсир этмай қолмайди.



## САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ

бугун-эрта эълон қилинади

Ўтган пайшанбада, яъни иш куниди президент сайловининг ўтказилиши Киргизистон тарихида илк бор қайд этилди. Мамлакатда шу кун 2281 та сайлов участкаси фаолият кўрсатди. 23 та хорижий мамлакатда эса 49 та сайлов участкаси ташкиллаштирилди. Негаки, бугунги кунда 140 мингга яқин киргиз фуқароси хорижда яшайди.

Сайлов жараёнини 48 та мамлакатдан таширф буюрган 516 нафарга яқин халқаро кузатувчи кузатиш борди.

«Новости» АА маълум қилишича, сайлов кампанияси бошланишида 22 нафар киши президентликка даъвогар сифатида номзодини қўйиши ҳақида фикр билдирган ва шунга ҳаракат қилган эди. Аммо 6 нафаригина қонунчилик талабларини тўлиқ бажара олди. Яъни 100 миң сомдан (2,5 миң доллар атрофида) сайлов кафолати учун пул тўладилар, давлат тили — киргиз тилидан имтиҳон топширдилар, Марказий сайлов комиссиясига ун қўлаб-қувватловчи 50 миңдан кам бўлмаган имзо йиғиб топширдилар.

Киргизистон Ички ишлар вазирлигининг матбуот хизмати хабарига қараганда, сайлов жараёнилари тинч ва осейишта ўтиши учун 5 миңдан ортиқ миллион ҳодими сайлов участкаларида хавфсизлигини таъминлашга жалб этилди. Яна 7 миң нафари қўйирилган тайёргарлик ҳолатида захирада ушлаб турилди.

Сайлов бюллетенларининг 70 фоизи ҳисоб-китоб қилинганда республиканинг

амалдаги президенти Курманбек Бакиев голиб чиққанлиги тасдиқланди. Яъни 85,5 фоиздан ортиқ овоз олиб, иккинчи мuddатга сайланди. Бу иккинчи тур сайловлари ўтказилишига ҳолат қолмаганлигидан далолат. Демак, иккинчи тур учун сарфланиши мўлжалланаётган 25 миллион сом микдордаги маблағ республика газаси учун иқтисод қилиб қолинди.

Гвиней-Бисауда эса яқшанба кун президент сайловининг иккинчи тури бўлиб ўтди. Гвинея Африка мамлакатиди бўлиши Гвиней-Бисаунинг 600 миңдан ортиқ сайловчилари 28 июнда бўлиб ўтган биринчи тур сайловининг

голиблари — икки номзод — парламент кўпчилигини ташкил этувчи «Гвиней-Бисау ва Эшил бурун мустанқиллиги Африка партияси» вакили Малам Бацаи Санха (биринчи турда 39,6 фоиз овоз олган) ва собик президент Кумба Фла (биринчи турда 29,6 фоиз овоз олган) номзоди учун овоз бердилар.

Сайлов натижалари бугун-эрта эълон қилинади.

Маълумки, Португалиянинг собик мустанқиллиги, 1973 йилдан эътиборан мустанқилликка эришган Гвиней-Бисау президенти Жуан Бернард Виейрага шу йил март ойида ёвуз қулар томонидан суиқасд уюштирилган. Июнда эса яна ўша қулар томонидан давлат тўнтарлишига уриниш содир этилган, дейилади «Franses Presse» АА хабарига.

Манбалар асосида Алимбек ТОШБЕК тайёрлади.

### Тафсилот



## Иқтисодиёт ва ислоҳот

Бу корхона — чироқчиликларнинг фахри ҳам, иқтисодий таянчи ҳам. Негаки, туманда пахтачилик етакчи соҳа. Азалдан чорвачилик билан машғул, қир-адирлар бағрида мўл ғалла етиштириб келаётган деҳқонлар пахтакорликда ҳам моҳир.

## ЮКСАК СИФАТГА КАФОЛАТ

### Чироқчи пахта тозалаш корхонаси таъмирланаяпти

Катта ҳовли худудидаги эски иморатларнинг бир қисми бузилибди. Қайта ишлаш цехи биноси қайта таъмирланмоқда. Пишиқ гишдан қарийб қирқ йил бурун бунёд этилган иморат ҳали мустаҳкам экан, ҳавозалар ўрнатилиб, ташки қисми сувоқ қилинди. Айрим иморатларнинг томи ёпила бошланди.

— Қурилиш-таъмирлаш ишларини бизнинг «Турон-Бунёдкор» қурилиш-монтаж ташкилотимиз олиб бораёпти, — изоҳ беради бош муҳандис Ғайрат Шарипов. — Жуда салмоқли бу ишга бир неча миллиард сўм маблағ ажратилган. Қурувчиларимиз аллақачон пахта сақланадиган янги омборхонани тиклаб бўлишди. Бош корпусда қурувчиларимизнинг бошқа гуруҳи меҳнат қилаёпти.

— Мен Австралияга хизмат сафарига билиб келган бир мухтаassis юрдоқимиз билан суҳбатлаган эдим. Унинг айтишича, у ердаги пахта тозалаш корхонасини 10-12 киши бошқарар экан. Барча иш автоматлаштирилган, деган эди. Менимча, замонавий талаби шундай. Айтинг-чи, таъмирлаш жараёнида қандай янгиликлар жорий этилди?

— Сиз тилга олган корхоналарнинг ўз қулайлиги ва нозик жи-

ҳатлари бор, — дейди Чироқчи пахта тозалаш ОХЖ раиси Шоди Даминов. — Юртимиздаги пахта тозалаш саноатида ҳам модернизация ва янгиликлар дадил жорий этилаёпти. Очиги, мен бу корхона раҳбарлигини қабул қилганимга бир-икки ой бўлди. Илгари қурилган бинолар эскириб кетганди. Пахтани қабул қилиш, қуришти-тозалаш ва цехларга узатишда маром бузиларди. Энди бунга чек қўйилди. Тола ажратадиган янги машиналар ҳам ўрнатилди. Бу эса меҳнат унумдорлигини 5-7 фоизгача оширади. Бундан ташқари, тозалаш цехи анча тақомиллашди. Бу ўз навбатида тола ажратишни қўлайтириш ва сифатини кескин яхшилаш имконини беради. Биз фақат механизмлар ҳақида гапираямиз. Уларни ишчиларимиз бошқаришади. Биринчи навбатда улар қулай, ёруғ, яхши иситиладиган цехларда меҳнат қилишлари, ўз ишларидан маннун бўлишларини истаймиз. Шунинг учун ишчилар ош-

хонасини қуриш ва бошқа қулайликлар яратиш ҳам режага киритилган. — Яна бошқа масала бор. Масалан, айрим туманлардаги пахта тозалаш корхоналари фаолиятини тўхтатди. Бу ўша туманларда пахта етиштиришнинг камайгани, бошқа йўналишга кўпроқ иқтисослашиб бораётганидан далолат беради. Яна ҳам аниқроқ гапирадиган бўлсак, бир тумандаги модернизация

иб кетса, сарфланган маблағлар зое кетади, деган хавотирни айтаяспиз. Йўқ, Чироқчида пахта етиштириш иқтисодиёти-мизда етакчи бўлиб қолаверади. Чунки далалимиз Қашқадарё ва Зарафшон дарёларидан сув ичади. Бу йил 10 миң 300 гектар майдонга чигит экилди. Қарийб 80 фоиз майдонда «Бу-хоро-6» пахта навининг ғўзалари парварши қилинмоқда. Бу йил 411 фермер хўжалиги пахта етиштириш юзасидан корхо-

на билан шартнома тузган. Режа 27 миң тонна, аммо мўлжал 30 миң тоннага қаратилган. Иши, тадбиркорлиги билан эл назарига тушган «Боғишамол» фермер хўжалиги раиси Фозилжон Пирназаров шундай дейди:

— Агар туманимиз имкониятидан келиб чиқсак, пахта тозалаш заводи — энг йирик корхонамиз. Бу жойда модернизация жорий этилиб, қайта таъмирланаётгани биз деҳқонлар учун ҳам катта аҳамиятга эга. Аваллабор, пахтаимизи юқори навларга сотишдан манфаатдормиз. Бунинг учун устима ҳақ ҳам оламиз. Бундан ташқари яна қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлайдиган кўплаб корхоналар бунёд этилишини истаймиз. Фермер хўжалигимиз аъзолари билан кенгашиб, кичикроқ цех ёки корхона қуришни мўлжаллаёмиз.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

## Қарор ва ижро

Кўпична ҳуқуқ ва эркинликларимиздан фойдаланишни, уларни талаб қилишни яхши биламиз-у, лекин фуқаролик бурчларимизни бажаришни ҳар доим ҳам хоҳлайвермаймиз.

Дангара туманида яшовчи Дониёр Қурбонов мўлқдор бўлиш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ўзининг «Турон монолит прогресс» ху-

Шунга қарамай, туман ҳокимлиги томонидан 2008 йилнинг 30 августидан унга чекланмаган мuddатда улгуржи: савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини

## СОЛИҚ — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

### ёки ноқонуний тадбиркорлик ҳақида

таъминловчи лицензия берилган. Ҳокимлик ва ДСИ ходимлари Д.Қурбонов тақдим этган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини текширишмаган. Шундан сўнг «тадбиркор» АТ «Алоқа-банк»нинг Кўкон минни банк ва ХОАТБ «Универсалбанк»нинг Кўкон филиалида ҳисоб рақамларини очиб, фаолиятини бошлаган. Хусусий корхона ташкил этилганидан бунён 4 ой мобайнида 2 миллиард 241 сўмлик хариддориг махсулотлар савдосидан тушган нақд пуллар назорат-

касса машинасига кириш қилинмай, банкка топширилмаган. Бундан ташқари, 67.076.700 сўм савдо тушуми ҳисоботларда кўрсатилмаган. Бу хатти-ҳаракати билан Дониёр Қурбонов Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августда қабул қилинган «Нақд пул маб-

риш ўтказилганда юқоридаги ҳолатлар юзага чиқиб қолди. Дангара туман ДСИ корхонага 67.917.200 сўм молиявий жарима қўлашни сўраб, вилоят ҳужжалик судига даъво ариза киритди. Суд қарори билан жарима ундирилди. Фуқаролик бурчини

қарздорнинг мол-мулкига қаратилди. Бироқ суд ижрочилиги томонидан корхонанинг мол-мулкни аниқланмади. Шу боис ДСИ бу гал фирмани банкрот деб топишни сўраб, даъво киритди ва у қаноатлантирилди. Шунингдек, суд тадбиркорларга улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини таъминловчи лицензияни беришда юзакчилик ва масъулиятсизликка йўл қўйган мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилиш юзасидан хусусий ажрим чиқариб, вилоят прокуратурасига юборди.

Солиқ — иқтисодиёт таянчи. Давлат бюджетни дорамадларнинг 95 фоизини солиқлар ва мажбурий тўловлар ташкил қилади. Солиқ ва йиғимларни тўлашнинг мажбурийлиги фуқароларнинг конституциявий бурчи ҳисобланади. Бунинг унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Жамила АҚРОМОВА, Фаргона вилоят ҳужжалик суди судьяси.

## ВИРУСГА ҚАРШИ ВАКЦИНА

### синовдан ўтказилади

АҚШ маъмурияти ва фармакологлари дунё бўйича кенг тарқалиб бораётган А/Н1Н1 вирусига қарши яратилган вакцина кишиларда синаб қуриш учун хоҳловчиларни бу жараёнда иштирок этишга чақирди.

«Associated Press» АА хабарига қараганда, ушбу клиник синовда ёшлардан тортиб қарияларгача — миң нафар хоҳловчи иштирок этиши даркор.

Янги вакцина билан эмлаш август ойида амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Эмланганини ихтиёр этганлар 21 кун оралик билан икки марта эмланади. Сентябрьда эса қон таҳлиллари амалга оширилиб, биринчи хулосалар асалади.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда А/Н1Н1 вирусига Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига аъзо 193 та давлатдан

160 тасига тарқалган. Ушбу грипп вирусини 100 фоизлик кўрсаткичга қараб яқинлаштиб бормоқда.

11 июнда эълон қилинган мазкур эпидемиянинг энг юқори босқичи — олтинчи даражали пандемия хавфи хануз юқориликча сақланиб турибди. Аммо шунисига ҳам шукрки, бу вирусда «мутация» (бошқа вирус штаммлари билан чатишиб, янада мураккаб, хавфли тусга кирариш) жараёни ҳозирча кузатилмаяпти.

● Дангара туманида яшовчи Дониёр Қурбонов мўлқдор бўлиш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ўзининг «Турон монолит прогресс» ху-

ма тўлово асосида 100,0 миллион сўм микдорда кредит ажратилди. Кредит ҳисобига 50 000 донга 1 кунлик хўжалар сотиб олинган, шундан она товуқлар сони 25 000 донгани ташкил қилади. Кредит ҳисобига 25 та янги иш ўрни яратилди.

дорида кредитлар ажратилди.

Жорий йил бошидан бунён дон ўриш комбайнлари сотиб олиш учун 1 миллиард 015 миллион сўм, ТТЗ-80, МТЗ-80 тракторлари ва бошқа чопоқ тракторлари, омочтиркamalари, культива-

учун 1816 та қишлоқ хўжалик корхонасига жами 132 миллиард 412 миллион сўм, пахта хосилини етиштириш учун 1879 та қишлоқ хўжалик корхонасига жами 36 миллиард 413 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Андижонлик ғаллакорлар бу йил мўл дон ҳосили етиштирдилар. Давлат омборларига режадагидан анча ортиқ ғалла етказиб берилди. Фермерлар меҳнатлари-га яраша катта даромад оладиган бўлишди. Айни пайтда пахтакорлар

моқдалар. Бундай долзарб паллада вилоят «Агробанк» бошқармаси ходимлари деҳқонлар оғирини енгил қилиш учун доим камарбаста. Ният — деҳқонларга ҳамisha мададкор бўлиб, мамлакат Мустақиллигининг ўн саккиз

## ИШЛОВЧИГА ҲАМ МАДАДКОР БЎЛИШ

Бошқарма филиаллари томонидан жорий йил ярида маиший техника, мебель ва мебель махсулотлари ҳамда қурилиш материаллари сотиб олиш учун жисмоний шахсларга 966,8 миллион сўм, шу жумладан, 347,0 миллион сўм ипотека кредитлари ажратилди.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини ва ҳукумати томонидан қабул қилинган қишлоқ хўжалигига оид қонунлар, фармонлар ҳамда қарорлар жорий этилиб, кўп тармоқли иқтисодиётни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган катта имкониятлар ишга солинмоқда. Шу йил мобайнида деҳқон ва фермер хўжаликларига жами 4 миллиард 459,1 миллион сўм миқ-

торлар учун 1 миллиард 756,7 миллион сўм, сув чиқариш насосларига 80,2 миллион сўм ва эҳтиёт қисмлари сотиб олиш учун 230,4 миллион сўм, захирадаги уруғлик учун 68,1 миллион сўм, бошқа мақсадларга 181 миллион сўм маблағлар ажратилди.


Шунингдек, бошқарма бўлимлари томонидан «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харajatларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом» талабларини бажариш борасида тегишли чоратadbирлар белгиланди. Чунки жорий йил ғалла хосилини етиштириш



Шу билан бирга, ғалладан бўшаган майдонларга экиш учун уруғлик картошка сотиб олишга 94 та қишлоқ хўжалик корхоналарига жами 954 миллион сўм микдорда кредитлар берилди.



ўзларига навбат келганлигини ҳис этиб, ҳозир айни шоналаган, ҳатто айрим жойларда кўсаклай бошлаган ғўза ниҳолларига ишлов бериш, чилла суви таратиш ишларини жадал олиб бор-



йиллигини муносиб кутиб олиш. Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРҒАЙИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбирлари.

Мулқчилик шахсидан қатъий назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ШТБХГА бевосита бўйсунувчи Фаргона сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази**

**ТАВЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Объект номи: «Фаргона вилоти, Фаргона шаҳридаги Фаргона ИЭМ профликториясини мукамал таъмирлаб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сержантлар мактабининг ётоқхонасига айлантириш» ҚМЙга.

Муддати — 01.10.2009 йил.

**Бошланғич нархи** — 405250,6 миң сўм ҚҚСсиз ва 486300,7 миң сўм ҚҚС билан.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ШТБХГА бевосита бўйсунувчи Фаргона сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази.

**Манзили:** Фаргона шаҳри, Марғилон кўчаси, 76-Б уй, тел: 222-80-89.

Қурилиш-монтаж ишлари Давлат бюджети маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:** ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз микдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мажбурийлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари катнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари катнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фаргона вилоти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Фаргона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-74-20.**

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.**

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб қуриш ва вақтигача қабул қилинади.

**Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин Фаргона шаҳри, Марғилон кўчаси, 76-Б уйда ўтказилади.**

## «Полвонлар миллий энциклопедияси»

Кадр



Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Polvonlar milliy ensiklopediyasi» jamiatining taqdimot marosimi o'tkazildi.

Тадбирда жамиятнинг раҳбари, спорт фохрийси Норкул Юсупов бу хайрли ишдан кўзланган мақсад ҳақида ба- тафсил маълумот берди. Жа-

мият яккама-якка кураш федерациялари билан ҳамкорликда юртимизда яшаб ўтган Пахлавон Маҳмуд, Соҳиб полвон, Аҳмад полвон каби та- никли курашчилар, Руфат Рискиев, Собир Рўзиев, Собир Курбонов сингари фохрий спортчилар, ҳозирги кунда мамлакатимиз довуғини дун- ёга таратаётган Абдулла Тангриев, Артур Таймазов, Дил- шод Мансуров каби кураш ус- таларимиз, чавандозу баҳо- дларимиз фаолияти ҳақида тўлақонли маълумотлар тўплаб, уларни энциклопедия тарзида чоп этириб боради. Шунингдек, жамият ёш ис- теъдодларни маънавий ва мод- дий кўллаб-қувватлаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбия- лаш, юртимизда жисмоний тар- бия ва спортни, соғлом тур-

муш тарзини тарғиб қилиш иш- ларига ҳисса қўшади. Ишонамизки, янги жамият ўзининг кенг камровли фаоли- яти билан мамлакатимизда спортни янада ривожлантириш- да, таниқли полвонларимиз тажрибасини омалаштириши, яккакураш турларини янги по- гонога кўтарувчи илмий-услу- бий кўлланмалар тайёрланиши- да, умуман, кадрларимизнинг узвий қисми бўлган кураш турларининг тараққий топиши- да камарбаста бўлади. Албат- та, бу хайрли ишларнинг амал- га ошишида спорт фохрийлари, тарихчи олимлар, спорт жур- налистлари ва бошқа ишодкорлар «Polvonlar milliy ensiklopediyasi» жамиятига елкадош бўлишимиз керак.

Асрор МҮМИН

## Баркамол авлод орзуси

### ТУМАНДА

#### ЯНА ИККИТА КОЛЛЕЖ

мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида ўз фаолиятини бошлайди

Яқин-яқингача Жондор туманида касб-хунар ўқув юрти йўқ эди. Мустақиллик йилларида касб-хунар таълими тизимида олиб борилаётган ислохотлар самараси туфайли туман- да бирин-кетин шинам ва замонавий коллежлар қад ростлади. 2003 йилдан бошлаб туманда 3 та кол- леж фаолият юритиб ке- лаётган бўлса, Мустақил- лик байрами арафасида улар сони яна иккитага кўпаяди. Хумин кишлоқ фуқаролар йиғинида бун- нёд этилаётган 340 урин- ли педагогика, Далмунда

эса 500 ўринли курилиш ва миллий хунармандчи- лик касб-хунар коллеж- ларида охириги пардозлаш ишлари олиб борилаётган бўлса, бу хунар масканларида барча шарт-шароит мав- жуд бўлади. Жумладан, замонавий компьютер ва лингафон хоналари, мах- сус жиҳозланган фан хо- налари, Ахборот-ресурс маркази, мажлислар зали, спорт мажмуаси ўғил-қиз- лар ихтиёрига топширила- ди.

Даврон БАҲРОНОВ,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

## «РОУТАХТ АУКСИОН»

davlat unitar korxonasi

shu yilning 27 avgust kuni o'tkaziladigan auktsion savdolariga Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tumani, Mustaqillik shox ko'chasi, 54-uyda joylashgan, O'zbekiston Respublikasi «Siyosiy tadqiqotlar markazi» tasarrufidagi 1998 y. i/ch, d/r 10BB847 bo'lgan «Dau Leganza» rusumli, boshlang'ich bahosi 12 500 000 so'm, zakalat miqdori 2 500 000 so'm;

Toshkent shahar, Shayxontohur tumani, Bunyodkor ko'chasi, 2-uyda joylashgan, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi «Strategik va mintaqalararo tadqiqotlar instituti» tasarrufidagi 1998 y. i/ch, d/r 10 AL 740 bo'lgan «GA3-3110» rusumli, boshlang'ich narxi 6 067 094 so'm, zakalat miqdori 1 214 000 so'm;

Toshkent shahar, Shayxontohur tumani, A.Godiriy ko'chasi, 7-uyda joylashgan, «Toshkent viloyati bo'yicha Davlat arxitektura-qurilish nazorati inspeksiyasi» tasarrufidagi - 1998 y. i/ch, d/r 10 AG 586 bo'lgan «Da- mac» rusumli, boshlang'ich narxi 4 500 000 so'm, zakalat miqdori 900 000 so'm bo'lgan avtotransport vositalari qo'yilishini ma'lum qiladi.

Savdolar qatnashish uchun yuqorida ko'rsatilgan miqdordagi zakalat puli «ROYTAXT AUKSION» davlat unitar korxonasi ATIB «Ipoteka-bank» Shayxontohur filialidagi FA 00425, STIR 204399967, 20210000004243151002 xisob raqamiga o'rnatilgan tartibda to'lanadi.

Savdolar soat 11:00da boshlanadi. Buyurtma qabul qilish savdo kunidan bir kun avval soat 18:00da to'xtatiladi.

Savdo g'olibiga savdo kunidan boshlab yigirma kun muddat ichida oldi-sotdi shartnomasini imzolash, shartnoma tuzilgunga qadar to'langan zakalat miqdori, sotib olish to'lovi miqdorining 15 foizidan kamini tashkil etgan taqdirda yetishmayotgan summani to'lab berish shartlari yuklatiladi.

Mazkur ob'ektlar yuqorida belgilangan savdo kunida sotilmagan taqdirda navbatdagi haftalarning payshanba kunlari o'tkaziladigan savdolariga qo'yiladi.

Savdolar o'tkaziladigan quyidagi manzildan qo'shimcha ma'lumot olish mumkin: 100060, Toshkent shahri, Mirobod tumani, Amir Temur shox ko'chasi, 16-A-uy. Aloqa telefoni 233-23-49, telefaks 233-23-40, elektron pochta: PA\_DUK@mail.ru

ОФК мусобақалари- да муваффақиятли иштирок этаётган етакчи жамоаларимизга ку- лайлик яратиш мақсадида улар иштирокидаги айрим учра- шувлар ёзги танаффус вақтида ўтказилапти.

## ЯШИЛ МАЙДОН

АНГИЛИКЛАРИ

Миллий чемпионатимиз 25-туридан жой олган «Бунёдкор» — «Шуртан» учрашуви шанба кuni бўлиб ўтди. Унда пойтахт-ликлар 5:0 ҳисобида галаба қозонди. Тўпларни Ривалдо, Вильянуэва 2 та ва Желаров 2 та киритди. Ушбу учрашу- ва «Пахтакор» таркибидан ўтган Игнатий Нестеров илк марта «Бунёдкор» сафида майдонга тушди.

«Пахтакор» — «Нефтчи» жамоалари эса мамлакат кубо- гининг дастлабки ярим финал учрашувини ўтказиш учун яқшанба кuni майдонга чиқди. Учрашув пахтакорчилар- нинг устунигида ўтиб, мезбонларнинг 4:1 ҳисобидаги гала- баси билан якунланди. Уйинда Фарход Тожиёв 3 та гол муаллифи бўлди. «Пахтакор»нинг яна бир голини Одил Аҳмедов, «Нефтчи» голини Шухрат Минавваров киритди. Ярим финалнинг жавоб учрашуви Фарғонада бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

## ҲОКИМ КУБОГИ УЧУН


Пойтахтимизда шохмат бўйича Ҳоким кубоги учун халқ- аро мусобақаси ташкил этилди. Ташкилотнинг 2200 йиллигига бағишланган ушбу мусобақада 100 нафар иқтидорли ёш шохматчилар, спорт усталари ва халқаро гроссмейстерлар дونا сурди.

Мусобақа швейцарча тартибда ўтказилиб, 9 турдан иборат бўлди. Бу тартибнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, голибликка даъвогарлар мусобақанинг бошидан охиригача муваффақият- ли дона сурдилари, айниқса, сунгги тур учрашувларида ал- батта галаба қозонишлари лозим. Айнан шу вазифани самар- қандлик халқаро гроссмейстер Марат Жумаев уддалади. У 9- турда ҳамшахри Жўрабек Ҳамроқуловни мағлубиятга учратиб, 7,5 очко тўплаган ҳолда биринчи ўринни эгаллади. Унинг номи биринчи голиб сифатида Ҳоким кубоги совринига зарҳал ҳарф- лар билан ёзиб қўйилади. Сунгги турда «омад қуши»ни қўлдан чиқарган тошкентлик халқаро спорт устаси Андрей Квон ик- кинчи ўрин билан қифояланди. Умуман, шунингдек, аёл- лар, фохрийлар, ёшлар ўртасида яхши натижа кўрсатган шох- мотчиларга ташкилотларнинг пул мукофотлари топширилди.

Аброр УМАРОВ



## ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА



Арслон КАННАЗАРОВ (Ўза) олган суратлар

Корақалпоғистон Республика- си Ички ишлар вазирлигининг даволаш-соғломлаштириш маркази қошида болалар ёзги оромгоҳи ташкил этилди.

Оромгоҳда болажонларнинг таътилни мазмунли ўтказиши учун барча шароит яратилган. Дам олиш масканидаги шинам

ётоқхоналар, ошхона, спорт май- дони, чўмилиш ҳавзаси болалар ихтиёрида. Мунтазам ташкил этилаётган турли маданий-маъ- рифий тадбирлар ва спорт му- собақалари барчага манзур бўлмоқда.

Суратларда: оромгоҳдан лавҳалар.

## Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

### АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ «ИПОТЕКА-БАНК»НИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

куйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шартли билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Курилиш мuddати
1	Самарқанд шаҳри, АТИБ «Ипотека-банк»нинг биносини реконструкция қилиш (қўшимча ишлар)	192 790 690 сўм	160 658 909 сўм	2 ой

Курилиш ишлари АТИБ «Ипотека-банк» Самарқанд вилоят филиалининг ўз маблагги ҳисобидан молиялаштирилади.

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қури- лиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** АТИБ «Ипотека-банк»нинг Самарқанд вилоят филиали.

**Манзили:** Самарқанд шаҳри, Абу Райҳон Бериуний кўчаси, 31-уй, **Телефон:** (8-366) 234-29-36.

**Талабгор сифатида ишти-**

**рок этаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос мос келиш- лари керак:** танлов савдо- лари предмети қийматининг ка- мида 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблагнинг мавжуд- лиги ёки кўрсатиб ўтилган маблагни беришга банк кафо- латномаси, ишлаб чиқариш базалири, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда иш- лаганлик тажрибасига, кўник- маларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик

муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида маҳал- лий ва чет эл қурилиш таш- килотлари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун куйидаги нарх преференциялари қўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳо- лаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат со- лигини тўлашдан озоод этил- ган импорт ишларни бажа- рувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг так- лифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо таш- килотчиси — Самарқанд вилоя- ти қурилишда танлов савдо- лари ва нархларни шаклланти- риш ҳудудий консалтинг мар- казига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Самарқанд шаҳри, Кўк- Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари битта тўламини нархи — 70 000 сўм. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш кuni ва соатиғача.

Таклифлар (оферталар) очилиш матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ка- мида 30 кундан кейин куйи- даги манзилда: Самарқанд шаҳри, Абу Райҳон Бериуний кўчаси, 31-уйда соат 10.00 да АТИБ «Ипотека-банк»нинг Самарқанд вилоят филиали биносидан ўтказилади.

Муҳаллик шаклидан қаттиқ назар, барча турдаги қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ИИБ УЯ-64/25

куйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Қоровулбозор шаҳрида жойлашган

Бухоро вилояти ИИБ УЯ-64/25га қарашли мавжуд ҳимоя деворини бузиш ва қайта қуриш

Буюртмачининг бошланғич нархи: ҚҚС билан — 212268,23 минг сўм, ҚҚСсиз — 176890,19 минг сўм.

**Курилиш мuddати** — 2 ой. Курилиш ишлари Республика бюджети ҳисобидан молиялаш- тирилади.

**Савдо ташкилотчиси** — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг мар- кази.

**Буюртмачи манзили:** Бухоро вилояти, Қоровулбозор шаҳри, С.Раҳимов кўчаси, 1-уй. Тел/факс: 364-14-38.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташки- лотлар куйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предметиининг 20 фоиз миқдоридида айланма маблаг- нинг ёки кўрсатиб ўтилган маблагни беришга банк кафолатно- маси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўник- маларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муома- ла ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташки- лотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолаш- да мамлакатимиз пудратчиларига куйидаги нарх преференция- лари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озоод қилинадиган то- варлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тан- лов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳо- лашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.**

**Танлов ҳужжатлари бир тўламини қиймати — 60 000 сўм.** Оферталар савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консал- тинг маркази томонидан куйидаги манзилда қабул қилинади:

**Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.**

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш кuni ва со- атида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иш- тирокида очилади.

**Таклифлар (оферталар) очилиш эълон матбуотда берилгандан бошлаб 30 кундан кейин куйидаги ман- зилда: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хонада бўлиб ўтади.**

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Марказий Кенгаш аъзо- си, Ўзбекистон Қажрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Вера Борисовна Пақга ўғли

ВАДИМ ПАКНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур ҳам- дардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар ака- демияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси бўлим мудири, юридик фанлар доктори Ж.Холмўминова акаси

Қурбонали ХОЛМҮМИНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдард- лик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан 2005 йил 20 июнда Одирова Гулноза Элибаева номига берилган В№-229007 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

(Газетанинг навбатдаги сонга 1 август, шанба кuni чиқади.)

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV

Latif G'ULOMOV

Asliddin RUSTAMOV

Bobir ALIMOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

G'afar HOTAMOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihidin MUHIIDDINOV

Svetlana GERASIMOVA

Andrey KUSTOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti

233-10-13

Madaniyat va sport

233-69-45,

(Tel. Faks) 233-21-43

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot

233-20-36,

233-44-55

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot

233-12-56

Reklama va e'lonlar

233-38-55,

233-47-80

Mas'ul kotib

233-72-83,

236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —

25-32-70

Buxoroda —

233-06-02

Gulistonda —

25-46-45

Jizzaxda —

227-48-35

Navoiyda —

223-83-73

Namanganda —

226-43-43

Nukusda —

222-77-21

Samarqandda —

35-02-55

Urganchda —

517-30-58

Farg'onada —

224-18-78

Denovda —